

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.К/В.37.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

**ХАЛИЛОВА ГУЛНОЗА АБДУВАХАБОВНА**

**БАЗИДИОМИЦЕТ  $\beta$ -ГЛЮКАНЛАРИНИНГ ТУЗИЛИШИ,  
ХОССАЛАРИ ВА БИОЛОГИК ФАОЛЛИГИ**

**02.00.10 – Биоорганик кимё**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2021**

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии наук (PhD)  
по химическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on chemical science**

**Халилова Гулноза Абдувахобовна**

Базидиомицет  $\beta$ -глюканларининг тузилиши, хоссалари ва биологик фаоллиги ..... 3

**Халилова Гулноза Абдувахобовна**

Структура, свойства и биологическая активность  $\beta$ -глюканов из базидиомицетов..... 21

**Khalilova Gulnoza Abduvakhabovna**

Structure, properties and biological activity of  $\beta$ -glucans from basidiomycetes ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 43

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.К/В.37.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

**ХАЛИЛОВА ГУЛНОЗА АБДУВАХАБОВНА**

**БАЗИДИОМИЦЕТ  $\beta$ -ГЛЮКАНЛАРИНИНГ ТУЗИЛИШИ,  
ХОССАЛАРИ ВА БИОЛОГИК ФАОЛЛИГИ**

**02.00.10 – Биоорганик кимё**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/K212. рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Биоорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.biochem.uz](http://www.biochem.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим тармоғида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.


|                    |  |
|--------------------|--|
| Илмий раҳбар:      | Тураев Аббасхан Сабирханович<br>кимё фанлари доктори, академик   |
| Расмий оponentлар: | Раҳмонбердиев Гаппар Раҳмонбердиевич<br>кимё фанлари доктори, профессор<br>Абдулладжанова Нодира Гуломжоновна<br>кимё фанлари доктори, профессор |
| Етакчи ташкилот:   | Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий тадқиқот<br>институти   |


Диссертация химояси Биоорганик кимё институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.K/B.37/01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил « 15 » 07 соат 12<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улугбек кўч., 83. Тел.: 262-35-40, факс: (99871) 262-70-63).


Диссертация билан Биоорганик кимё институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (239 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улугбек кўч., 83. Тел.: 262-35-40, факс: (99871) 262-70-63, e-mail: [shsha@mail.ru](mailto:shsha@mail.ru)).

Диссертация автореферати 2021 йил « 2 » июль да тарқатилди.  
(2021 йил 2 июльдаги 1 рақамли реестр баённомаси)



  
Ш.И.Салихов  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, б.ф.д., академик

  
Ш.А.Шомуротов  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби к.ф.д.

  
М.Б.Гафуров  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
кошидаги Илмий семинар раиси, к.ф.д.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда табиий хом-ашёлардан биологик фаол моддаларни ажратиб олиш, уларнинг кимёвий тузилиши ва биологик фаоллигини аниқлаш ҳамда уларни амалиётга тадбиқ этиш бўйича кўплаб тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Тиббиёт амалиётида қўлланилаётган доривор воситаларнинг тенг ярми ўсимликлардан олинади. Табиий манбалардан, жумладан, ўсимликлардан олинган дори воситаларига бўлган талаб кун сайин ортиб бормоқда, чунки синтез йўли билан олинган дори препаратлари тез ва самарали таъсир этишига қарамай, уларни узлуксиз равишда истеъмол қилиш организмда турли нохуш ҳолатларни келиб чиқишига сабаб бўлади. Шу боис, табиий манбалардан физиологик фаол моддаларни ажратиб олиш ва тиббиёт учун янги самарали дори воситаларини яратиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Бугунги кунда дунёда биологик фаол бирикмаларга бой бўлган табиий манбаларни излаб топиш, улар таркибидан биологик фаол моддаларни ажратиб олиш ҳамда структура ва биологик фаолликларини аниқлашга оид илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада истиқболли объектлардан бири ҳисобланган базидиал замбуруғлардан (*Ganoderma lucidum* (Curt Fr.) биологик фаол моддалар ажратиб олиш усуллари ишлаб чиқиш, олинган биологик фаол бирикмаларнинг структураси ва биологик фаоллигини аниқлаш ҳамда улар асосида иммуномодуловчи ва ўсмага қарши фаолликка эга бўлган дори воситаларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда табиий манбалардан импорт ўрнини босувчи дори воситаларини яратиш, аҳолини сифатли дори-дармон воситалари билан таъминлаш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, юртимиз олимлари томонидан табиий манбалардан биологик фаол полисахаридларни ажратиб олиш, уларнинг кимёвий тузилиши ва хусусиятларини аниқлаш, улар асосида ножўя таъсири кам бўлган самарали дори воситаларини яратиш борасида муайян илмий натижаларга эришилмоқда. Ҳаракатлар стратегиясининг 4-йўналишида «фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларини арзон, сифатли дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминланишини яхшилаш, дори-дармонлар нархларини ўсишига йўл қўймаслик бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш»<sup>1</sup> юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада вазифаларни амалга оширишда табиий манбалардан юқори самарали дори воситаларини ишлаб чиқариш ва аҳолини арзон ҳамда сифатли дори-дармон билан таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги, 2017 йил 7 ноябрдаги ПФ-5229-сон «Фармацевтика

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги фармони

тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 14 февралдаги ПҚ-3532-сон «Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги Қарори, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Адабиёт маълумотлари таҳлили натижалари шуни кўрсатадики, базидиомицетлардан биологик фаол моддаларни ажратиб олиш ҳамда базидиал замбуруғларнинг тармоқланган полисахаридлари хоссаларини, тузилишини ва уларнинг биологик фаоллигини ўрганиш бўйича олимлардан Shi L., Abe.M., Liu Y., Nie S., Wasser S., Tao Y., Meng X., Ferreira S., Alzorqi I., Ookushi Y. мақсадли тадқиқотлар олиб борганлар.

Ёввойи *Ganoderma lucidum* замбуруғидан биологик фаол моддаларни излаш ва ажратиб олиш бўйича бажарилган ишларнинг аксарияти Zhang M., Bao X., Pan D., Бабицкая В., Kozarski M. ва бошқалар томонидан олиб борилган. Натижада замбуруғ мева танаси асосида биологик фаол қўшимчалар, чой ва тетиклаштирувчи ичимликларнинг қўплаб патентланган формулалари ишлаб чиқилди. Аммо  $\beta$ -D-глюканларнинг организм иммунитет тизимига таъсири бўйича тадқиқотлар кам.

Мамлакатимизда биологик фаол полисахаридларни ажратиб олиш, уларнинг тузилишини ўрганиш, улар асосида турли касалликларга қарши самарали таъсирга эга бирикмалар олиш ва уларнинг биологик фаолликларини тадқиқ қилиш бўйича илмий изланишлар Биоорганик кимё институти, Ўсимлик моддалари кимёси институти, Полимерлар кимёси ва физикаси институти, Тошкент кимё технология институтларида академик Ш.И. Салихов, академик С.Ш. Рашидова, академик А.С. Тураев, профессор А.А. Сарымсаков ва профессор Г.Р. Раҳманбердиевлар раҳбарлигида олиб борилмоқда.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Биоорганик кимё институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ТА-ФА-Ф6-003 «Ракка қарши йуналтирилган таъсирли препаратлар яратиш мақсадида бета-глюканлар, галактоманнанлар ва уларнинг модификацияланган аналогларининг ҳужайра лектинлари билан комплементар ўзаро таъсирлашувларини ўрганиш» (2017-2020 й.й.) мавзусидаги фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** маҳаллий шароитда ўсадиган ва маданийлаштирилган *Ganoderma lucidum* базидиал замбуруғларидан тармоқланган полисахаридларни ажратиб олиш, уларнинг физик-кимёвий

хусусиятлари, макромолекуляр тузилиши ва биологик фаоллигини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

маҳаллий шароитда ўсган ва маданийлаштирилган *Ganoderma lucidum* базидиал замбуруғларидан β-D-глюканларни ажратиб олиш ва тозалаш;

ажратиб олинган β-D-глюканларни физик-кимёвий хусусиятларини ўрганиш ва макромолекуляр структураларини (тармоқланишини) аниқлаш;

auto Dock Gasteiger дастурий таъминоти ёрдамида докинг ҳисоблаш усулида дектин-1 рецепторларининг β-D-глюканлар билан ўзаро таъсирини молекуляр моделлаштириш;

β-D-глюканларнинг *in vitro* усулида *KML*, *HeLa* ўсма ҳужайра линияларига таъсирини ўрганиш;

ажратиб олинган β-D-глюканларни ҳужайра ва гуморал иммунитетга таъсирини ўрганиш;

маҳаллий ва маданийлаштирилган замбуруғлардан ажратиб олинган β-D-глюканларнинг ўсмага қарши фаоллигини *in vivo* шароитида Эрлих аденокарциномаси (*solid Ehrlich tumor model*) моделида ўрганиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон ҳудуди, Бўстонлик туманида маҳаллий шароитда ўсган ва маданийлаштирилган *Ganoderma lucidum* базидиал замбуруғлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** базидиомицет хом-ашёсидан ажратиб олинган тармоқланган тузилишга эга β-D-глюканлар, уларнинг макромолекуляр тузилиши - тармоқланиши, молекуляр параметрлари ва уларнинг организм иммун тизимига таъсири ҳамда биологик фаоллиги ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишини бажарилишида биоорганик кимё усуллари (экстракция, тозалаш, ажратиш), элемент таҳлили, ион алмашилиш ва гель хроматографияси, газ хроматография масс спектрометрияси (ГХ-МС), УБ-, ИҚ-, бир ўлчамли (<sup>13</sup>С ЯМР, <sup>1</sup>Н ЯМР), икки ўлчамли (<sup>1</sup>Н-<sup>1</sup>Н COSY, <sup>1</sup>Н-<sup>13</sup>С HSQC) ЯМР спектроскопияси усулларидан, ўсмага қарши фаолликни аниқлаш (*in vitro*, *in vivo*) ҳамда фармакотоксикологик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгиллиги** куйидагилардан иборат:

илк бор маҳаллий шароитда ўсган ва маданийлаштирилган *Ganoderma lucidum* базидиал замбуруғларидан β-D-глюканлар ажратиб олинди ва уларнинг физик-кимёвий хусусиятлари ва макромолекуляр структуралари ГХ-масс спектрометрия, УБ-, ИҚ-Фурье ҳамда ЯМР – спектроскопия усуллари ёрдамида исботланган;

илк бор дектин-1 рецепторининг β-D-глюканлар билан ўзаро таъсирини молекуляр моделлаштириш орқали докинг ҳисоблаш усулида β-D-глюканларнинг комплементарлиги аниқланган;

β-D-глюканларни *in vitro* (*KML*, *HeLa* ўсма ҳужайра линияларида) ҳамда *in vivo* (Эрлих аденокарциномаси ўсма ҳужайра линиясида) шароитида ўсмага қарши фаолликлари аниқланган;

$\beta$ -D-глюканларнинг ўсмага қарши фаоллиги уларнинг хужайра ва гуморал иммунитетга таъсири билан боғлиқ эканлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

маҳаллий шароитда ўсган ва маданийлаштирилган *Ganoderma lucidum* базидиал замбуруғлари кимёвий таркиби аниқланган;

маҳаллий шароитда ўсган ва маданийлаштирилган *Ganoderma lucidum* базидиал замбуруғларидан  $\beta$ -D-глюканлар ажратиб олинган ва уларнинг тузилиши, молекуляр характеристикалари аниқланган;

$\beta$ -D-глюканларнинг иммуномодуловчи хусусиятлари аниқланган ва уларнинг лейкоцитлар, лимфоцитлар, Т-лимфоцитлар, В-лимфоцитлар, CD16 ва CD25 хужайралари ҳамда организмдаги Т-супрессорлар сонининг кўпайишга ижобий таъсир кўрсатиши аниқланган;

*Ganoderma lucidum* базидиал замбуруғларидан ажратиб олинган  $\beta$ -D-глюканлар ўсманинг ўсишини ингибирлаши (ҳажм бўйича - 69,82%; вазн бўйича - 61,87%) аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** уларнинг замонавий физик-кимёвий тадқиқот усуллари ёрдамида олинганлиги билан тасдиқланади. Олинган маълумотларга статистик ишлов бериш ўртача қийматларнинг ишонч оралиғининг чегара қийматларини ҳисоблашда Стъудент мезонидан фойдаланилгани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тармоқланган полисахаридлар -  $\beta$ -D-глюканларни организм иммун тизимининг иммун хужайралари рецепторлари билан ўзаро таъсирлашиш хусусиятига эга биологик фаол моддалар эканлигини исботланганлиги ва бу ўз навбатида ўсмаларни даволаш ва олдини олишда қўлланиладиган БФҚ ва дори воситаларини ишлаб чиқаришга кенг имкониятлар очиб бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки,  $\beta$ -D-глюканларнинг макромолекуляр асосини кимёвий модификациялаш йўли билан улардан кам захарли, юқори терапевтик фаолликка ва узайтирилган таъсирга эга, нишон органга дори воситаларини етказиб берувчи (таргет хусусияти), ўсмага қарши дори воситаларини ўзида мужассамлаштирган макромолекуляр дори тизимини яратишда макромолекуляр ташувчилар сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** *Ganoderma lucidum* базидиомицет замбуруғидан  $\beta$ -D-глюканларни ажратиб олиш, уларнинг физик-кимёвий хусусиятлари, макромолекуляр тузилиши ва биологик фаоллигини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

маҳаллий шароитда ўсган ва маданийлаштирилган *Ganoderma lucidum* базидиомицет замбуруғидан ажратиб олинган  $\beta$ -D-глюканларнинг тузилиши ва биологик фаоллиги бўйича олинган натижалардан №ФА–Ф-6-007 “Доривор ўсимликларнинг биологик фаол полисахаридлари ва уларнинг модификацияланган шакллари ўрганиш” лойиҳасида доривор ўсимликлар полисахаридларининг тузилиши ва биологик фаоллигини таққослаш мақсадида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг



2021 йил 4/1255-1613-сон маълумотномаси). Натижада, тадқиқот объектларининг ортишига, турли табиатли полисахаридларнинг тузилиши ва биологик фаолликлари орасидаги боғлиқликларни аниқлаш ҳамда умумий хулосалар чиқаришга имкон берган;

замбуруғлардан ажратиб олинган  $\beta$ -глюкан типидagi полисахаридлардан Загреб университети (Хорватия) лойиҳасида ҳар хил ўсма турларига қарши хусусиятлари ва саратонга қарши иммунитетни ошириш механизмини аниқлашда фойдаланилган (Division of Physical Chemistry Department of Chemistry Faculty of Science, University of Zagreb, Croatia 2021 йил 21 майдаги маълумотномаси). Натижада, полисахаридлар ҳосилаларининг ўсмага қарши фаоллик механизмларини аниқлаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация иши материаллари асосида 17 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган халқаро илмий журналларда 1 та илмий мақола ва республика илмий журналларида 5 та илмий мақола чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 108 бет.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


**Кириш** қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги, зарурати асослаб берилган, илмий ишнинг мақсади, вазифалари келтирилган, тадқиқот объекти, предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва техника тараққиёти йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, уларни амалга ошириш таклиф этилган, чоп этилган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг **“Ўсимлик хом-ашёсининг полисахаридлари, манбалари, тармоқланган полисахаридларни ажратиш, тозалаш ва ажратиш усуллари”** номли биринчи бобида базидиомицетлардан ажратилган полисахаридларнинг тузилишини, молекуляр параметрларини ва биологик фаоллигини ўрганиш соҳасидаги тадқиқотларнинг ҳозирги ҳолати ҳақида сўз боради. Диссертация мавзуси ва муаммони ўрганиш даражаси бўйича олиб борилган илмий тадқиқотларнинг батафсил шарҳи берилган.

Диссертациянинг **“Тармоқланган полисахаридларни ажратиб олиш, уларнинг тузилишини, физик-кимёвий хусусиятлари ва биологик фаоллигини тадқиқ қилиш усуллари”** деб номланган иккинчи бобида материаллар, реактивлар, тадқиқотларда қўлланилган асбоб-ускуналарнинг хусусиятлари, тадқиқот босқичлари, фойдаланилган материаллар, ажратиб

олинган полисахаридларнинг тадқиқот усуллари тавсифи, уларни тозалаш усуллари, тузилиши ва молекуляр параметрларини ўрганиш, шунингдек, полисахаридларнинг прототипларини фармакологик текшириш усуллари келтирилган. Олинган маълумотларни статистик қайта ишлаш Microsoft Excel компьютер дастури ёрдамида, умумий қабул қилинган статистик мезонлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилди.

Диссертациянинг “Ўсимлик хом-ашёсидан тармоқланган полисахаридларни ажратиб олиш ҳамда уларнинг физик-кимёвий хоссалари ва молекуляр параметрларини ўрганиш” номли учинчи бобида базидиомицетлардан олинган полисахаридларни ажратиб олиш, маданийлаштириш ва тозалаш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган. Базидиомицетлардан тармоқланган полисахаридларни ажратиб олиш жараёнида биз базидиомицет хом-ашёсидан полисахаридларни максимал даражада ажратиб чиқишини таъминлаш мақсадида экстракция жараёни учун мақбул шароитларни танлаб олдик. 1-расмда полисахаридларни базидиомицеталардан ажратиб олиш схемаси келтирилган.



1-расм. *Ganoderma lucidum*дан полисахаридларни ажратиб олиш схемаси

Полисахаридларни ажратиб олиш учун 40-50°C ҳароратда доимий оғирликкача қуриштирилган маҳаллий шароитда ўсадиган ва маданийлаштирилган *Ganoderma lucidum* базидиал замбуруғлари мева танасидан фойдаланилди. Базидиал замбуруғлар Тошкент вилоятида табиий ўсиш жойидан йиғиб олинди. *Ganoderma lucidum* штаммини маданийлаштириш ва базидиал замбуруғни етиштириш биология фанлари номзоди И.Мустафаев томонидан ЎЗР ФА Ботаника институтида амалга оширилди.

Хом-ашё липофил моддалар ва қуйи молекуляр аралашмалардан тозалаш мақсадида спирт:хлороформнинг 2:1 нисбатдаги аралашмаси билан экстракция қилинди.

Хом-ашё ёғсизлантирилгандан сўнг сув, кислота ва ишқор билан экстракциялаш орқали сувда, кислотада ва ишқорда эрувчан полисахаридларнинг 3 хил фракцияси ажратиб олинди. Сувда ва ишқорда эрувчан фракциялар паст концентрацияларда рангсиз эритмалар ҳосил қиладиган ва юқори концентрацияларда юқори нисбий қовушқоқликка эга бўлган қовушқоқ эритмалар ҳосил қиладиган жигарранг кукун кўринишида бўлади. 1-жадвалда маданийлаштирилган ва маҳаллий шароитда ўсган базидиомицет хом-ашёсидан ажратилган сувда эрувчан (СЭФ), кислотада эрувчан (КЭФ), ишқорда эрувчан (ИЭФ) фракциялар йиғиндиси ва қуйи молекуляр бирикмалар (ҚМБ) ажратиб олиш натижалари келтирилган.

1-жадвал

**Базидиал замбуруғлардан ажратиб олинган полисахарид фракцияларининг экстракция нумлари**

| № | Базидиал замбуруғ номи                 | ҚМБ, % | СЭП, % | КЭП, % | ИЭП, % | Полисахаридлар суммаси, % | Қолдиқ, % |
|---|--|--------|--------|--------|--------|---------------------------|-----------|
| 1 | <i>Ganoderma lucidum</i> (табиий) GW   | 3,6    | 15,16  | 1,23   | 2,13   | 18,52                     | 29,75     |
| 2 | <i>Ganoderma lucidum</i> (маданий) GWL | 14,39  | 12,47  | 2,54   | 4,65   | 19,66                     | 24,87     |

1-жадвалдан кўринадикки, маҳаллий шароитда ўсадиган ва маданийлаштирилган базидиомицет хом-ашёсидан ажратилган фракцияларнинг умумий таркиби бир-биридан деярли фарқ қилмайди.

2-жадвалда маданийлаштирилган *G. lucidum* замбуруғидан ажратилган фракцияларнинг элемент таркибини аниқлаш натижалари келтирилган.

2-жадвал

**Ажратиб олинган фракцияларнинг элемент таркибини аниқлаш натижалари**

| № | Намуналар                 | №%           | С%            | Н%           |
|---|---------------------------|--------------|---------------|--------------|
| 1 | Кислотада эрувчан фракция | 2,083/ 1,82  | 54,305/53,990 | 7,787/7,931  |
| 2 | Ишқорда эрувчан фракция   | 6,983/6, 703 | 54,305/53,752 | 7,787/ 6/992 |
| 3 | Сувда эрувчан фракция     | 5,273/4,990  | 54,305/55,023 | 7,787/ 6,661 |

2-жадвал маълумотларидан кўринадикки, базидиомицет хом-ашёсидан ажратилган барча фракциялар таркибида азот мавжуд бўлиб, таркибида полисахаридлардан ташқари бошқа моддалар ҳам мавжудлиги, хусусан, меланин, оксил моддалари ва бошқалар полисахаридлар билан биргаликда комплекс ҳолатда бўлиши мумкинлигини кўришимиз мумкин.

Ажратиб олинган фракциялардаги углеводлар миқдори фенол сульфат кислота усули ёрдамида аниқланди.

3-жадвал

**Базидиал замбуруғлардан ажратиб олинган полисахарид фракцияларининг миқдорий таҳлили**

| № | Базидиал замбуруғ номи              | Фракция         | Шифр | Углевод миқдори, % | Аралашмалар, % |
|---|-------------------------------------|-----------------|------|--------------------|----------------|
| 1 | <i>Ganoderma lucidum</i> (маҳаллий) | Сувда эрувчан   | GW   | 52,74              | 47,26          |
|   |                                     | Ишқорда эрувчан | GSH  | 41,03              | 58,97          |
| 2 | <i>Ganoderma lucidum</i> (маданий)  | Сувда эрувчан   | GWL  | 74,0               | 26,0           |
|   |                                     | Ишқорда эрувчан | GSHL | 64,02              | 35,98          |

3-жадвалдан кўринадики, маҳаллий шароитда ўсадиган ва маданийлаштирилган базидиомицет хом-ашёсидаги углеводлар миқдори сувда эрувчан фракцияларда ишқорда эрувчанларига қараганда кўпроқ, мос равишда улар таркибида ишқорда эрийдиган фракцияларга қараганда камроқ аралашмалар мавжуд. GWL ва GSHL маданий хом-ашёсидан олинган намуналарда полисахаридлар миқдори маҳаллий ўсадиган GW хом-ашёсидан олинган полисахаридлар миқдоридан 30% га ортиқ.

Полисахарид фракцияларининг ИҚ-спектрлари ўрганилганда  $3300\text{ см}^{-1}$ ,  $2950\text{ см}^{-1}$ ,  $1600\text{ см}^{-1}$ ,  $1420\text{-}1380\text{ см}^{-1}$ ,  $1200\text{-}750\text{ см}^{-1}$  соҳаларда полисахаридларга хос ютилишлар кузатилди.  $1200\text{-}950\text{ см}^{-1}$  соҳасида C-O ва C-C боғланишларига хос бўлган валент тебранишларининг ютилиш интенсивликлари аниқланди. ИҚ-спектрнинг яқин соҳаси (аномер соҳа) полисахариднинг тузилиши ҳақида энг кўп маълумот беради, макромолекуладаги боғланиш йўналиши ва турини, шунингдек полимернинг конформацион ва конфигурацион хусусиятларини тавсифловчи боғларнинг мавжудлиги билан характерланади. Ушбу соҳада полисахаридларнинг структуравий фарқлари жуда аниқ кўринади. Полисахариднинг  $898\text{-}900\text{ см}^{-1}$  соҳада  $\beta$ -тип боғланишларга хос ( $\beta$ - (1-3),  $\beta$ - (1-6)) бўлган ютилишлари кузатилди.

Кейинги тадқиқотлар сувда эрувчан полисахарид фракцияларида олиб борилди.

**Сувда эрувчан полисахарид фракцияларини тозалаш.** Базидиомицетлардан ажратиб олинган полисахаридлар таркибида ноорганик тузлар, моносахаридлар, олигосахаридлар, кичик молекуляр массали кутбсиз моддалар ва юқори молекуляр массали органик аралашмалар (масалан, оксиллар, меланин) мавжуд.

Полисахаридларнинг тузилиши ва биологик фаоллигини ўрганиш учун тозаланган фракциялардан фойдаланиш лозим. Шунинг учун сувли фракциялар 2-расмда кўрсатилган схема бўйича оксилсизлантирилиб сўнгра ион алмашиниш ва гель хроматография усуллари билан кўшимча тозalandи.



2-расм. Полисахаридларнинг сувда эрувчан фракцияларини тозалаш схемаси

Полисахаридларни ион алмашиниш хроматографияси усулида тозалангандан сўнг икки хил GWL-1 ва GWL-2 полисахарид фракциялари олинди. Бунда GWL-1 нейтрал полисахаридлар 29,85%, анион полисахаридлар GWL-2 унуми эса 4,19 % ни ташкил этди.

Маҳаллий шароитда ўсадиган ва маданийлаштирилган хом-ашё нейтрал ва анион полисахарид унумлари таққосланганда, унумлар фарқи 1,5% ни ташкил этади, яъни натижалар кам фарқ қилади. Дастлабки полисахарид фракцияларининг гомогенлигини аниқлаш, шунингдек кейинги тадқиқотларда углевод занжирининг таркибини ва тузилишини ўрганиш мақсадида уларни мавжуд аралашмалардан тозалаш учун гель хроматографияси Сефадекс G-75 да олиб борилди. Ажратиш жараёнида ҳар бир полисахарид намунаси бир хил табиатли полисахаридлардан иборат эканлиги аниқланди.

Ион алмашиниш хроматографиясидан сўнг полисахаридлар унуми 25,71%, 29,85% нейтрал ва 5,26%, 4,19% анион полисахаридларни (оқсил ва фенол бирикмаларининг аралашмаларидан тозалаш), гель хроматографиясидан сўнг эса (молекуляр оғирликлари бўйича ажратиш ва кейинчалик тозалаш) полисахаридлар миқдори 94,27% ва 96,31% ни ташкил этди.

Полисахаридлар тозалангандан сўнг намуналар таркибидаги углевод миқдори фенол-сульфат кислота усули ёрдамида аниқланди. 4-жадвалда полисахарид фракцияларининг тозалангандан кейинги углеводлар миқдори келтирилган.

4-жадвал

**Полисахаридларнинг фракциялашдан кейинги умумий углевод миқдори (%)**

| № | Базидиал замбуруғ номи              | Эритувчи  | Шифр  | Полисахарид миқдори, % | Аралашмалар, % |
|---|-------------------------------------|-----------|-------|------------------------|----------------|
| 1 | <i>Ganoderma lucidum</i> (маҳаллий) | Сув       | GW-1  | 99,41                  | 0,59           |
|   |                                     | 0,1M NaCl | GW-2  | 65,01                  | 34,99          |
| 2 | <i>Ganoderma lucidum</i> (маданий)  | Сув       | GWL-1 | 99,32                  | 0,68           |
|   |                                     | 0,1M NaCl | GWL-2 | 79,54                  | 20,46          |

4-жадвалдан кўринадикки, нейтрал фракциялардаги углеводлар миқдори анион фракцияларга нисбатан кўпроқ. Бунинг сабаби, анион фракциялар таркибида полисахаридга комплекс ҳолатида боғланган маълум миқдорда оқсил ёки меланин мавжудлиги билан боғлиқ. Маҳаллий шароитда ўсадиган ва маданийлаштирилган хом-ашёлар таркибидаги полисахаридларнинг нейтрал фракциялари таркиби деярли бир хил эканлиги аниқланди.

Кейинги тадқиқотларда ажратиб олинган фракцияларнинг молекуляр оғирлик хусусиятлари гель фильтрация усули ёрдамида аниқланди. Натижалар сувли фракция намуналарининг (GW, GW1,2, GWL, GWL1,2) молекуляр оғирлиги 9800-17700 Да, ММТ 1,2-1,5 оралиғида эканлигини кўрсатди. Маҳаллий шароитда ўсадиган ва маданийлаштирилган хом-ашё намуналари молекуляр оғирлиги бўйича бир-биридан деярли фарқ қилмайди.

Тадқиқотлар ажратиб олинган фракцияларнинг моносахарид таркибини аниқлаш билан давом эттирилди. Полисахаридларнинг моносахарид

таркибини аниқлаш натижалари 5-жадвалда келтирилган. Тадқиқот натижалари полисахарид намуналари таркибида минор миқдорда фруктоза, рамноза, ксилоза, манноза ва галактоза қолдиқлари мавжудлигини кўрсатди.

GW-1 ва GW-2, GWL-1, GWL-2 полисахаридлари асосан глюкоза қолдиқларидан иборат бўлиб, улар таркибида бошқа моносахаридлар кам миқдорда бўлгани сабабли улар асосий тузилишга киритилмади.


5-жадвал

**Ажратиб олинган полисахарид намуналарининг моносахарид таркиби**

| Намуналар | Моносахарид таркиб, % |      |     |     |      |      |       |     |
|-----------|-----------------------|------|-----|-----|------|------|-------|-----|
|           | Fruc                  | Rha  | Rib | Ara | Xyl  | Man  | Glc   | Gal |
| GW-1      | 7,41                  | 1,8  | -   | -   | 3,70 | 2,2  | 84,89 |     |
| GW-2      | 6,24                  | 2,3  | -   | -   | 2,2  | 3,13 | 86,13 | -   |
| GWL-1     | 5,6                   | 0,55 | -   | -   | 0,58 | 1,73 | 91,54 |     |
| GWL-2     | 3,4                   | 1,5  | -   | -   | 3,5  | 4,57 | 85,83 | 1,2 |

5-жадвалдан кўринадикки, маҳаллий шароитда ўсадиган ва маданийлаштирилган замбуруғ мева таналарининг моносахарид таркиби деярли бир хил.

Полисахаридлар тузилишини кейинги таҳлиллари учун ажратилган фракциялар ИҚ-спектроскопия усулида ўрганилди.



**3-расм. Полисахарид намуналарининг тозаланмаган (GW) ва тозаланган (GW-1, GW-2) фракциялари ИҚ-спектрлари**

Тадқиқ этилаётган намуналарнинг ИҚ-спектрларида β-глюканларга ва меланинларга хос бўлган барча ютилиш интенсивликлари аниқланган: 2900 см<sup>-1</sup> соҳада полисахаридларнинг О-Н боғлари ва меланинларнинг N-Н боғлари учун, 2850-2900 см<sup>-1</sup> оралиғидаги ютилиш интенсивлиги полисахаридларнинг С6 углерод атомидаги С-Н боғлар валент тебранишларига мос келади. 1460-1650 см<sup>-1</sup> оралиғида меланин ароматик ҳалқасининг С=С боғлари ва карбоксил гуруҳининг С=О боғлари валент тебранишларига мос келувчи ютилиш интенсивлиги кузатилди. 1170-1350 см<sup>-1</sup> соҳада полисахаридларга ва карбоксил гуруҳининг С-О боғларига мос келувчи ютилиш интенсивликлари аниқланди. Спектрларда полисахаридларнинг глюкопираноза ҳалқасидаги С-О-С боғланишларининг валент тебранишларига мос келувчи ютилиш интенсивликлари 1050-1150 см<sup>-1</sup> оралиғида аниқланди. 500-650 см<sup>-1</sup> соҳаларда

C-H боғланишининг ҳар хил турдаги тебранишларига хос бўлган ютилиш интенсивликлари мавжуд (3-расмга мувофиқ). 3-расмдан кўринадик, GW-1, GW-2 тозаланган фракцияларда 1660 см<sup>-1</sup> соҳада ютилиш интенсивлигини камайиши кузатилади, бу намуналар меланиндан тозаланганлигини кўрсатади.

β-D-глюканларнинг тузилиши (тармоқланиши) газ хроматография масс спектрометрияси (ГХ-МС) усулида аниқланди.

Моносахаридларнинг полисахаридлардаги боғланиш турлари метиллаш ёрдамида аниқланди. Перметилланган альдитол ацеталлари фрагментациясининг ўзига хослиги ва характери масс спектрлари ва ГХ даги нисбий ушлаб туриш вақти ёрдамида аниқланди. Метилланган қандларнинг фоизи чўққи майдонининг нисбатига кўра баҳоланди. Перметилланган альдитол ацеталларининг ГХ-МС таҳлили б-жадвалда келтирилган.


б-жадвал

**Маҳаллий ва маданий *Ganoderma l.* дан ажратиб олинган GW-1 ва GWL-1 метилланган полисахаридларининг ГХ-МС таҳлил натижалари**

| Метилланган қанд              | Гликозид боғлар      | GW-1         | GWL-1 | Асосий массавий фрагментлар ( <i>m/z</i> )  |
|-------------------------------|----------------------|--------------|-------|---|
|                               |                      | Моляр нисбат |       |   |
| 2,3,4,6-Me <sub>4</sub> -GlcP | 1-боғланган GlcP     | 3,0          | 2,0   | 43,45,71,87,102,118,129,145,161,162,205     |
| 2,4,6-Me <sub>3</sub> -GlcP   | 1,3-боғланган GlcP   | 1,0          | 3,0   | 43,45,71,87,101,118,129,161,174,217,234,277 |
| 2,3,6-Me <sub>3</sub> -GlcP   | 1,4--боғланган GlcP  | 1,0          | 1,0   | 43,45,71,87,102,113,118,129,162,173,233,277 |
| 2,3,4-Me <sub>3</sub> -GlcP   | 1,6-боғланган GlcP   | 1,0          | 3,0   | 43,59,71,87,99,102,118,129,162,189,233      |
| 2,3-Me <sub>2</sub> -GlcP     | 1,4,6-боғланган GlcP | 1,0          | 1,0   | 43,85,102,118,127,162,201,261,305           |
| 2,4-Me <sub>2</sub> -GlcP     | 1,3,6-боғланган GlcP | 2,0          | 1,0   | 43,87,102,118,129,189,234,305               |


GW-1 ва GWL-1 полисахаридларидаги қолдиқлар 3,0: 1,0: 1,0: 1,0: 1,0: 2,0 ва 2,0: 3,0: 1,0: 3,0: 1,0: 1,0 моляр нисбатларда эканлиги аниқланди. Натижалар ажратиб олинган ва тозаланган полисахаридлар (1,4,6)- ва (1,3,6) - боғланган глюкопираноза қолдиқларидан ташкил топган β-глюкан типдаги полисахаридлар эканлигини кўрсатди.

Кейинги тадқиқотларда маҳаллий шароитда ўсадиган ва маданийлаштирилган базидиомицет хом-ашёларидан ажратиб олинган GW-1 ва GWL-1 полисахаридларининг тузилиши ва моносахарид кетма-кетлиги бир ўлчамли (<sup>13</sup>C ЯМР, <sup>1</sup>H ЯМР) ва икки ўлчамли (COSY, TOCSY, HSQC, HMBC, NOESY) ЯМР-спектроскопия усуллари ёрдамида ўрганилди. GW-1 ва GWL-1 намуналарнинг <sup>1</sup>H ЯМР спектрларида ҳар иккала полисахарид ҳам 4,42-5,09 м.у. да олти аномер сигналларга эга бўлиб, бу ушбу полисахаридларнинг глюкопиранозил бирликлари β-конфигурацияга эга эканлигини кўрсатади. Ушбу натижалар ИҚ-спектроскопия таҳлили натижаларига мос келади. Бундан ташқари, полисахаридларнинг моносахарид қолдиқлари β-конфигурацияси <sup>13</sup>C ЯМР спектрлари билан тасдиқланади, 97,84-102,75 м.у. да C-1 атомлари учун характерли бўлган сигналлар кузатилди.



**4-расм. GW-1 полисахариднинг  $^{13}\text{C}$  ЯМР (а),  $^1\text{H}$  ЯМР (б), HSQC (в) ва HMBC (г) спектрлари**

Метиллаш, 1D ва 2D ЯМР-спектроскопик тадқиқотлар натижалари асосида GW-1 ва GWL-1 полисахаридлардаги моносахарид қолдиқларнинг боғланиш тартиби, боғланиш кетма-кетлиги ва тузилиши аниқланди. 5-расмда GW-1 ва GWL-1 полисахаридларнинг боғланиш тартиби, боғланиш кетма-кетлиги ва тузилишлари келтирилган.



**5-расм. Моносахаридларнинг боғланиш тартиби, кетма-кетлиги ва полисахаридларнинг тузилиши GW-1 (а), GWL-1 (б)**

GW-1 ва GWL-1 полисахаридларнинг аниқланган структуралари  $\beta$ -глюкан типидagi тармоқланган полисахаридлар эканлигини кўрсатди. Полисахарид занжирида тармоқланиш 1,3,6-Glcp ва 1,4,6-Glcp қолдиқлари



ҳисобига содир бўлади. Аммо натижалар полисахаридлар занжиридаги тармоқланиш нуқталарининг бир хил эмаслигини, полисахаридларнинг ҳар хил тармоқланиш даражаларига эга эканлигини кўрсатди. GW-1 ва GWL-1 полисахаридлари 0,75 ва 0,40 тармоқланиш даражасига эга эканлиги аниқланди. GWL-1 да тармоқланиш даражасининг пасайишига қарамай, полисахарид занжирида GW-1 га қараганда кўпроқ миқдорда 1,3-Glcp ва 1,6-Glcp қолдиқлар сақлайди.

Тадқиқотлар натижасида маҳаллий базидиомицетлар асосида  $\beta$ -D-глюканларнинг қуйидаги хусусиятлари аниқланди:

-тузилиш тадқиқотлари натижасида олинган полисахаридлар асосан  $\beta$ -1,4/1,3-глюкозид боғига эга бўлган ва тармоқланган бир ёки бир неча  $\beta$ -1,6-глюкозид боғлари билан боғланган  $\beta$ -1,3/6- тармоқланган глюкан тузилишидан иборат эканлиги аниқланди;

-элемент таҳлили, ИҚ- ва УБ-спектроскопия усуллари ёрдамида олинган намуналарнинг физик-кимёвий хусусиятлари ўрганилди. Олинган тармоқланган полисахарид фракцияларининг тозалик даражаси аниқланди. Ажратиб олинган полисахарид намуналарининг таркиби ва молекуляр тузилиши газ хроматография, ИҚ-, бир ўлчамли ( $^{13}\text{C}$  ЯМР,  $^1\text{H}$  ЯМР) ва икки ўлчамли (COSY, TOCSY, HSQC, HMBC, NOESY) ЯМР-спектроскопия усуллари билан аниқланди;

табиий шароитда ўсган базидиал замбуруғидан ажратиб олинган MM=12300 (GW сувли фракция), тармоқланган тузилишга эга бўлган  $\beta$ -D-глюкан иммун тизими рецепторларига комплементар таъсир этувчи биологик фаол қўшимча сифатида келгуси тадқиқотлар учун таклиф қилинди.

Диссертациянинг «**Маҳаллий шароитда ўсадиган ва маданийлаштирилган *Ganoderma lucidum*дан ажратиб олинган  $\beta$ -D-глюканларнинг биологик фаоллигини ўрганиш**» деб номланган тўртинчи бобида  $\beta$ -D-глюканлар асосида олинган макромолекуляр тизимларнинг ўсмага қарши фаолликлари *in vitro* ва *in vivo* шароитида ҳамда фармакотоксикологик хусусиятларига оид тадқиқот натижалари келтирилган.

Тармоқланган полисахаридларнинг биологик фаоллигини тахмин қилиш мақсадида компьютер моделлаштириш ёрдамида уларнинг иммун ҳужайра рецептори билан ўзаро таъсири ўрганилди. Ҳисоблашларда молекуляр механика, квант-кимёси, молекуляр динамика, кластерларни таҳлил қилиш ва потенциал функциялар усулларидан фойдаланган ҳолда физик-кимёвий ўзаро таъсирларни кўп ўзгарувчан таҳлиliga асосланиб, ўзаро таъсир қилувчи заррачалар молекуляр докинг усуллари ишлатилди. Ҳисоблашларда  $\beta$ -D-глюканларнинг тегишли комплементарлик намоён этиши, 1,6 гексоза тутган  $\beta$ -D-глюканларнинг, айниқса диалмашинган тармоқланган занжирлари водород, ван-дер-ваальс ва бошқа боғланишлар ҳисобига дектинлар билан боғланиши аниқланди ва бу иммун тизимининг кейинги реакциясини кўрсатади (хусусан, тармоқланган полисахариднинг иммун тизимининг тегишли ферментлари томонидан парчаланиши).

